



Ўзвучи Нуруллох МУХАММАД РАУФХОН билан саволсиз суҳбат

Ўзбек тилига давлат тили макомининг берилиши, тилимиз ушбу макомни олмасидан бурунги ва олганидан кейинги ҳолати ҳақларида гапиришдан олдин ўша даврдаги ўзим учун шарафли бўлган айрим воқеаларни бир эсламоқчиман. Советнинг охириги паллаларида, ошкоралик йилларида юртимизда бир неча яхши қонунлар қабул қилинган. Давлат билан халқ бир-бирига яқинлашиб, бирининг овозига иккинчиси қулоқ солиб, халқ ўртага қўйган масалаларни давлат халқ қила бошлаган эди. Масалан, Орол денгизини сақлаб қолиш, табиатни асраш, ўзбек тилига давлат тили макомини бериш... каби масалаларни халқ ўртага қўйган эди. Хали совет даврида, мустамлака таъсиридан чиқиб кетмаган бир пайтимизда. Тўғри, бунақа ҳаракатлар битта бизнинг мамлакатимизда юз бермаган, совет қўл остида ўн бешта республика бўлса, шулар ичида биздан эртароқ ва кучлироқ уйғонган Болтиқбўйи давлатлари бошлаб берган эди. Жумладан, "улуғ оға" тили зугуми остида яшаган миллий тилларининг қаддини тиклаш ва қаддини юксалтириш бўйича Болтиқбўйи, Қофқоз ва ниҳоят Ўрта Осиё халқларида ҳам қатта миллий уйғониш юз берди. Тил борасида ҳар бир халқ ўрис-совет қамситишларидан беғиб, узок йиллар давом этган ҳўрликлардан руҳан чўкиб юрганнинг аламларини шу қиска қайта қуриш қамонида қўчага тўкиб солди... ва бирин-кетин республиқаларда тил қонунлари қабул қилина бошлади. Мақтанишга ўхшаб қетса ҳам, тарих учун айтай: Тил қонунининг муқобил нусқасини яратиш бўйича Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси номидан тузилган беш қишилиқ қичқинагина ишчи гуруҳга қамина ҳам аъзо эдим. Унқача бир неча давлатнинг тил ҳақидаги қонунини ўрганиб қичқаним бу ишимда жуда асқотди. Бир улуғ инсон қой-қой қилиб бериб турди, иккинчи улуғ инсондан онда-сонда маслаҳатлар олиб турдик, қатнини асқосан уч қиши ишладик. Шу учтадан биттаси мен бўлганимдан ва тилимизнинг қайқусига озми-қўпми қиссам қўшилганидан ҳалиқача шараф туяман.

Яъни, ҳуқуқат ўз йўли билан, Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси ўз йўли билан шу қонунни ишлашни бошлади. Кейин қана шу иққала нусқа асқосида яқона бир нусқа қабул қилиниши мўлжалланган эди. Охириги ҳолатни яратишда биз тайёрлаган нусқадан неқогли фойдаланилгани ҳозир аниқ эсимда йўғ-у, лекин қабул қилингани ҳам ўшанда анча демократик руҳдаги қонунлардан биттаси эди. Яъни, биз орзу қилган жуда қўп моддалар қирмай қолган бўлса ҳам, бундай олганда, айниқса, бугунги газ билан ўлқачанда, у қонун ёмон эмас эди, демокқиман. Энг муқими - совет даврида сиқув остида бўлган тилимизга эрқ берилди, ҳуқуқ берилди, ҳурриятга қичқиди ва... қонун қабул

килинган кун "Тил байрами" деб байрам килинадиган даражага етдик. Ахир, ўзбек тили хам бир мустакил тил сифатида яшашга ҳақли дейишнинг ўзи илгари ўта миллатчилик деб баҳоланарди. Шу боис тилимиз ҳақида хос кунуннинг вужудга келиши жуда улкан ижобий ҳодиса бўлган.

Булар ҳаммаси ширин хотиралардир.

Сўнгра каршимизда асосий масала - кунунни амалга киритиш, қўллаш, ҳаётга татбиқ қилиш масаласи турди ва ҳамон турибди. Бу борада ҳали кўп камчиликларимиз борлиги аён бўлиб қолди. Кунун қабул қилинган илк йиллари ўзбек тили ҳаётнинг ҳамма соҳаларига фаол қира бошлади. Атамашунослик кўмитаси ташкил бўлди, Ёзувчилар уюшмасида ҳар қуни кизгин муҳокамалар кечарди, Фанлар Академиясида катта ишлар қилинди. Ёзувчи-шоирлар шахсий ташаббус билан асарларида, унутилган ва унуттирилган сўзларни ишлатиб, янги-янги ифодалар билан чиқа бошлашди. Хуллас, тилнинг қаддини тиклаш бўйича оммавий бир ҳаракат юзага келди. Юзага келди-ю... афсус, бу ташаббус, бу гайрат менинг назаримда йил ўтган сайин сўниб, тил уйғониши тўлкини секин-аста орқага қайта бошлади. Мана, ҳозир ўша илк кунуннинг қабул қилинганига 21 йил бўлган бўлса, кундалик ҳаётда бу кунунга риоя тобора орқага кетяпти деб ўйлайман. Бу ҳол нималарда кўринади?

Тил мавҳум бир нарса эмас. Ўз ҳолича бор бўлмайди. Тил асосан одамларнинг оғзида ва сўнгра ёзувларда яшайди, оғиз ва ёзувларда ҳаётини давом эттиради. Агар миллат турли сабаблар билан айрим сўзларини унутадиган бўлса, аста-секин тилидан тушиб қолаверса, ўрнини "замонавий"ми, "маданий"ми никоьлари остида бегона сўзлар эгаллаверса, бу тил олдинига қашшоқлашишга юз тутади, кейин, тарихда қузатилганидек, ўлишга қараб кетади. Тилларнинг ўлиш ҳодисаси бор нарса. Айрим тилларнинг номи бор, айрим сўзлари атама ўларок ё бошқа бирон кўринишда ўзга миллатлар тилида сакланиб қолган, лекин ҳозир у тилда гапирувчилар йўқ. Бир пайтлар у тилда гапирган халқ (мас., лотин) йўқолиб, бошқа миллатларга сингиб-едирилиб кетган. Бунақанги натижадан Оллоҳ кўрисин. Бошқа тиллар зугуми остидаги қучсиз, қичик тилларнинг тақдирида ана шундай ҳавф доим туради. Шу боис бундай ҳавф остидаги тилнинг яшаб қолиш учун ҳаракати айниқса қучлироқ бўлиши керак. Озгина парвосиз бўлинса, тил ўз ҳолига ташлаб қўйилса, натижа аянчли бўлиш эҳтимоли бор.

Оллоҳга шукр, ўттиз милёнли катта миллатмиз. Катта мамлакатмиз. Бу тилда ёзилиб, ўтмишдан қолган ва ҳамон севиб ўқилаётган жуда улкан маданий- тарихий-адабий мерос эгаларимиз биз. Пойдеворимиз ҳам жуда чуқур ва қучли. Тилимиз йўқолиб кетмайди, иншааллоҳ, аммо бузилиб кетаётгани кўнгилларда ҳавотир уйғотади.

Танкид маъносида эмас, жонқуярлик маъносида айтадиган гапларим бор.

Биз ўзбекистонликмиз, мамлакатимизнинг оти "Ўзбекистон", миллатимизнинг оти "ўзбек", тилимизнинг оти "ўзбек тили". Биз энди бирон- бир давлатга, мамлакатга қарам эмасмиз. Ҳуқуқи ўзида бўлган, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тўлақонли аъзо ўларок қўшилган давлатмиз. Ҳар қандай мамлакатни бошқаларидан ажратиш турадиган унсурлардан биттаси - тил. Бизнинг ҳам шу тилимиз бор экан, ўзбек халқи, ўзбек адабиёти, ўзбек маданияти, ўзбек урф-одатлари ҳақида гап бўлиши мумкин. Демак, тил масаласи шунчаки гап орасида айтиб кетилаверадиган жўн, қичик, майда масала эмас, балки давлат аҳамиятига эга, улкан масаладир. Агар бу тил пала- партиш ва сурбетларча бостириб қириб келаётган ёт сўзлар ҳисобига айниб ё қашшоқлашиб кетаверса, Оллоҳ кўрсатмасин, болаларимизга нима қолдирамиз ва улар ўзларини қайси тил эгаси деб айтишади? Ҳолатга боксангиз, кейинги пайтларда шу салбий ҳодиса

кузатиляпти, одамларда тилимизга эътибор тобора пасайиб кетяпти.

Кундалик турмушимиздан оддий бир мисол: хаммамиз йўлда юрамиз, кўчанинг икки чеккасидаги шиорлар, ишхоналарнинг, дўконларнинг, хар хил фирмаларнинг номлари диккатимизни тортади. Тилни яхши кўрган, дунё тиллари оиласида ўзбек тилининг ҳам обрўи баланд бўлишини хоҳлаган бир киши сифатида тилимизнинг кундалик муомаладаги ва кўчадаги холатидан жуда кийналаман. Нега, дейман, тилимиз шу қадар кашшокми ёки ўзимиз уни ерга уряпмизми, дейман. Хаммаси ажнабий сўзлар! Ажаб... Нашриёт соҳасида ишлаганим учун мисолни шундан бошлай қолай. Битта хусусий босмахона очилса, қаранг, нима деб аталяпти: "Полиграф принт", "Офсет принт", "Юрида принт" ва хоказо... Нега энди "принт" бўлиши керак? "Принт" бор-йўги босма дегани. Нега ўзимизнинг тилда, масалан, "Тошбосма" ёки "Нилуфар босмахонаси" деёлмаймиз? Шу даражада ёмон кўрамизми тилимизни?!

Дўконлар номи бирданига "маркет", "супер маркет" бўлиб кетди. Нега энди "маркет"? Нимага "супер маркет"? "Супер" дегани қайсидир бир тилда "катта" дегани, менинг шўрлик тилимда нима айб бор, нега мен "катта дўкон" деёлмайман?! Таржима қилгандай "катта дўкон" дейишим ҳам шарт эмас, биронта ўзбекона от кўя олмайманми?!

Ақлим олмайди, ичим ачийди.

Бир хил сувни "Гидролайф", бошқасини "Бонаква" деб аташди. "Гидро" сув бўлса, "лайф" хаёт деганидир, мундок айтганда, "Хаёт суви" демак. Бунинг нимаси ёмон? "Бонакува" нима дегани? Таржимаси - булок суви. Ишлаб чиқарувчилар махсулотига "Булок суви" ё "Хаёт суви" деб от қўймайдиган, шундай от қўйган такдирда эса, сувсаганлар уни сотиб олмайдиган холга келди миллат.

Катталарга кулок солинг: бугун боласига, шапкангни ол, деяпти, телпагингни ёки калпогингни ол, демаяпти. Бола бошидаги нарсанинг тумокми, калпокми ё телпакми эканини билмай ўсяпти...

Яна менинг энг гашим келадиган ходисалардан биттаси - "секурити", "модератор" деган олифта сўзлар чикди. Беш-олти йиллардан бери илм ўчоқларидами, ишхоналардами, шифохоналарда ё бозорлардами эшик ёнида турадиган одамларнинг махсус кийими орқасига чет тилида "секурити" деб ёзиб қўйиладиган бўлди. "Коровул" сўзининг нима гуноҳи бор, дейман. Нимаси хунук? Ҳеч ҳам хунук эмас. "Коровул" ниҳоятда ўзбекона-турконалиги билан жуда чиройли сўз. Шундай чиройли сўз турганида нега мен "секурити" дейишим керак? Бизнинг шу маънони берадиган ўз сўзимиз йўқ бўлсайкан, тилимизга кирса. Сўзимиз бор ва биз бу касбни ўрни билан "коровул", ўрни билан "кўрикчи" деймиз. Шу пайтларгача тилимизда "мажлисни олиб борувчи" ёки "мажлисга раислик қилувчи" бўларди, энди бирданига улар "модератор"га айланди! Мажлис танаффусларида мезбон ўзбекона "бир пиёла чой" ташкил этарди, энди чой қоқоқлик белгиси бўлиб кўриндимиз, у "қофе брейк" бўлиб қолди!

Энг афсусланарлиси - тоза ўзбекча сўзларимизни бугун тилимиздан биронта бегана миллат мажбуран сиқиб чиқармаяпти, ўзимизнинг ихтиёримиз билан ўзимиз қиялпмиз бу ишни. Мисоллар хаётда тикилиб ётибди, бу ерда хаммасини келтиришимга ҳожат бўлмаса керак. Хар ким бир кунини шу ишга ажратиб кўчага чиксин, икки тараф турли-туман ёзувларга тўлиб кетган, шуларнинг ичида ўзбекчаси қанча учрайди - бир санаб кўрсин...

Яна битта босқинчи сўз "эвакуация"дир. Илгарилари у ер-бу ерда қулоққа қалиниб турарди, яқинлардан бери тилимизга муқим ўрнашиб ҳам олди шекилли: телевизор, радиолар тинимсиз айта, матбуот ҳеч иккиланмай ёза бошлади. Бу сўз кўчиш ё кўчириш

ходисасининг ажнабийча отидир. Уруш, табиий офатлар чоги кўчирилган ахоли хакида хабар бераркан, радио-телевидение Худонинг берган куни "эвакуация килинди" деб гапиравериб, халкнинг онгига сингдирипти бу ёт сўзни. Мен хатто телевиденияда нуфузли лавозимда ишлайдиган зиёли, адабиётчи одамга: бу канаканги гап, тилнинг дарвозаси колмади-ку, шунинг ўрнига "ахоли тинч жойларга кўчирилди" дейилса, халкимиз тушунмай коладими, десам, ўйлаб хам ўтирмай: «Биласизми, "эвакуация" сўзида уюшқоклик, ташкиллаштириш маънолари бор, "кўчирилди" сўзида бу нарса йўк», деди. Бегана сўзларга ўзимиз юклаб кўйган йўк "маънолар"нинг кули бўлиб ўтирибмиз... Бугун Алишер Навоий туйкус тирилик келсалар, нима бўларди! Тилимизда нарса ва ходисаларнинг нозик-нозик бошқачаликларигача хам ифодадай оладиган куч ва имконият борлигини исботлаб берган Навоий бобомиз бизнинг бу тушкун тушунтиришларимизни эшитиб туриб, неваралари тилининг холига фарёд чекиб юбормасми эдилар?! Ахир, "кўчмок" феълидан ясалган "кўчирилди" шаклининг ўзида уюшқоклик, уюшиб килинган харакат маъноси бор. Хамма тиракайлаб кочиби кетди, дейилмаяпти, кўчирилди, дейилляпти. Бу сўзда кўчишни кимлардир ташкиллаштираётгани хам сезилиб турибди. Тилимизга эътиборсизмиз, десам, жуда юмшак айтган бўлман, бизда тилимизга очикдан-очик ишончсизлик, тушкунлик кайфияти бор. Жудаям хавфли ва ёмон хол бу. Юртнинг ишонган бир зиёлиси шундай деб турса, кўчадаги курувчидан ё бозорчидан хафа бўлмаса хам бўлади. Ахир, хеч бўлмаганда миллатнинг оидин кишилари, айникса ёзувчи-шоирлар тилнинг коровуллари бўлиши лозим эмасми?! Хатто тилларни ўрнлаштириш сиёсати юритилган совет даврида тилимиз ўзига хослигини ва бойлигини саклаб қолишга тиш-тирноги билан тиришган эди. Бунинг сабабларидан биттаси - миллат такдирига куюнчак адибларимиз, шоиру ёзувчиларимиз ижобий маънодаги кайсарлик билан тилимизнинг ранго-рангликларини, бойликларини кўрсатиб ёзаверишди. Мафкураси кандай бўлишидан катъи назар, тилни асраб қолиш харакатида адабиётчилар орасида кандайдир бир фикрдошлик, уюшқоклик бор эди. Асарларида хилма-хил сўз ва ибораларни кўллаб, иложи борича чеккадан сўз киритмай, кирганини хам жуда кам ишлатиб, тилимизнинг тозаллигини асраб қолишга хизмат қилишди. Бугун мустақилликка эришдик, дунё билан тўғридан-тўғри алоқаларга киришдик, мамлакат дарвозалари дунёга кенг очилди - булар бари яхши, аммо тилимизнинг дарвозаси бу қадар очилиб кетиши яхшиликка олиб бормади. Тилга муносабатда омманинг кайфияти тушкун. Хатто, нарса ва ходисаларни ўзимизнинг тилимизда жаранглатса бўладими-йўкми, деб ўйлаб кўришга хам эринамиз ва осонгина четдан битта ажнабийча сўзни киритиб юбораверамиз. Худди бу бегана сўзда канакадир бошқача бир маъно бордай. Хеч канаканга кўшимча маъно ё сир йўк бу сўзларда, одамларимиз у сўзлар каршисида жодуланиб колган, холос. Натижада ўзининг тилига ишончсизлик тугилган. Демак, умумий ахволимиз яхши эмас. Кўча тилга кайгурмаяпти, хисоб. Оммада шу кайгу бўлганида эди, тилига эҳтиёт бўларди ва четдан кирадиган сўзларга энг биринчи галда ўзи каршилиқ қиларди. Кишида бирор касалликка чидам қобилияти (иммунитет) қамайса ё йўқолса, танаси ўша касалликка карши курашолмай қолади. Тил хам ўзини химоя қилиш қобилиятини йўқотса, чеккадан бостириб келган хар кандай ахлатни қабул қилиб олаверади.

Мана шуларни ўйларканман, тил хакида қабул қилинган қонун борлиги билан уни амалга киритишда изчил бўлмаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Тил ўз холига ташлаб қўйилгандек туюлади менга. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир биз нуфуси яқин ўттиз миллионга етиб қолган қатта миллатмиз ва ўзбек тили шу қатта халкнинг тили.

Тилимизга кайгурсак, тозалигини ўйласак, миллий шаънимизни, гуруримизни ўйлаган бўламиз. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деган эълонимизга яраша бўлайлик. Агар тилнинг, адабиётнинг қоровули ё эгаси қолмаса, илгари эмас, мустамлака шароитида эмас, энди, мустикаллик даврига келиб маънавийтимизни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас, Оллоҳ асрасин.

Хўп, шунча гаплар айтилди, энди табиий бир савол қўндаланг бўлади қаршимизда: тилни тоза саклаб қолиш учун нима қилиш керак?

Бунинг учун, менимча, энг бирламчи, вазиятга давлат аралашини, ташаббусни давлат қўлга олиши керак. Олиниши лозим бўлган бошқа тадбирлар, қўрилиши шарт бўлган бошқа чоралар ҳам бор албатта, лекин бугунги аҳволимизда, бизнинг ҳозирги шароитимизда энг биринчи галда давлат ўз сўзини айтиши керак. Янги замон, янги шароитлардан ҳамда йигирма йиллик тажрибалардан чиқиб келиб, бугун балки тил ҳақидаги қонунни янгилашимиз, янада такомиллаштиришимиз лозимдир. Сўнгра бу қонунга суянган ҳолда тилимизни ҳар хил қир-чирлардан тозалашга ва юксалтиришга киришсак, натижа унумли бўларди.

Четдан келган товарларни мамлакатимизга роса текшириб киритамиз, тўғрими? Бунинг учун махсус божхоналаримиз бор. Қонунимизга қараймиз, шу товар мамлакатимизга қирса бўладими ёки тақиқланганми? Тақиқланган бўлса, чегаранинг ўзидаёқ ушлаб қолиб, киритмаймиз. Устига устак, қонунда тақиқланган товарни киритмоқчи бўлганларга қарши жазо чораларини қўллаймиз: молини мусодара қиламиз, эгасига жарима соламиз ва хоказо. Нега тилимизнинг божхонаси бўлмаслиги керак? Тил қонунимизга тегишли моддаларни киритайлик-да, чеккадан киришга уринаётган ҳар бир сўзни тил божхонасидан ўтказдирайлик. Буни фақат давлат қила олади. Қираётгани ҳам марҳамат қилиб божини тўлаб қўйсин, ўзининг мақомини билсин, мезбон тилни ҳурмат қилсин, ана ундан кейин қирсин. Қолганлари чегараданок ватанига қайтиб кетаверсин. Бу тажриба бошқа давлатларда бор. Масалан, бир пайтлар ўқиган эдим, Франциянинг тил қонунини оммавий ахборот воситаларида бўладими, илмий, бадиий асарларда бўладими ёки атамаларда бўладими, четдан қирадиган сўзларга 5% (беш фоиз)лик чегара қатъий қилиб қўйилган. Шундан ортиб кетса, айбли киши жарима тўлайди. Энг муҳими - ҳар бир фаранг энг олдин жаримагача қормасликка, ўз тилини асрашга ҳаракат қилади, ҳурмат қилишга ўрганади.

Айрим олимларимизда, четдан сўз қўшилса тилимиз бойийди-ку, қирса нима қипти, деган ҳато тушунча бор. Бир тилда бор сўз устига қираётган ёт сўз тилни бойитмайди, аксинча, суриб чиқариши билан босқинчилик қилган бўлади ва мезбон тилни қашшоқлаштиради. Мустамлака шароитида тилга тегишли қонун-қоидаларнинг моҳиятида қарам тилларни иложи борида ўривлаштириш сиёсати ётарди. Унга қўра, масалан, ўрис тилидан ва ўрис тили орқали оврупа тилларидан қирган сўзлар тилни бойитади, деб ўқитишарди ва, бошқа бир қоидага қўра, четдан қирган сўзлар ўзининг халқида қандай талаффуз этилса, ўзбек тилида ҳам айнан ўшандай айтилиши талаб қилинарди. Халигача шу ёлгон ва ҳавфли "илм" таъсиридан қутулиб қетолганимиз йўқ. Аслида эса, биринчидан, тиллар ички имкониятлар ҳисобига бойийди, чеккадан сўзлар қорасизликдан қиради ва қирганлари ҳаммасиям тилни бойитавермайди. Иккинчидан, агар четдан қирган-бир сўз киришига мажбур бўлиб қолинса, мезбон тилнинг талаффуз қоида-қоидага мослаб, яъни, ўзлаштириб қабул қилинади. Давлат ҳудди мана шу қараётгани назоратига олиб, бошқариб туриши керак. Бу иш ниҳоятда долзарблигидан тил билан шугулланадиган махсус вазирлик ташкил қилса арзийди. Майли, бу вазирлик доимий ишламасин, тошган

сувга ўзан очиб берсангиз кейин ўзи малолсиз окиб кетаверганидек, тилимиз ҳам бир микдор тартибга солиб олингунича ишласин. Бир авлоднинг суягини котириб олайлик, ундан кейин тил вазирлигига эҳтиёж колмас. Оммавий ахборот воситаларида тилни асраш, холатини яхшилаш бўйича тинимсиз тарғибот- ташвиқот ишлари юритилиб, тил кайгусини халқ харакатига айлантириб юборса бўлади. Шунда, Оллох хохласа, беш-олти йил ичида тилимиз анча- мунча тозаланиб оларди.

Тил халқнинг огзида яшайди, одамлар бир сўзни айтмай қўйса, у тил олдинига камбагаллашади, бора-бора ўлади, дедик. Чиндан ҳам, бир нарса ё ходисага мустакил от қўя олмаган тил ожиз ва нотавондир. Оллохга шукр, ўзбек тилимиз хали жуда унака ожиз, нотавон бўлиб колгани йўқ. Унга илгариги кудрати, кобилияти эслатилса, бир силкиниб, тезда ўзини ўнглаб олишига ишончим комил. Мана, бир мисол: уч-тўрт йил бурун бир жияним жуда майда, окиш бир хашоратни "кепакчивин" деб атади. Олдин кепакчивин хакида эшитмаган эдим. Айтишича, бу хашарот гўзаларга боглик бир сабаб билан кишлогимизда кейинги замонларда пайдо бўлибди. Ўзи кепак заррасидай кичкина, кўзга элас-элас кўринади, товуши ҳам йўқ, лекин чакиши чивинникадан баттар. Шу нарсага хамкишлоқларим "кепакчивин" деб от қўйишибди. Койил! Хали тилимизда от қўйиш кобилияти сўнмабди. Демак, тилимиз ўлмайди. Кўнгилларимизни яйратиб, акларимизни шошириб то киёматгача яшайди.